

ТАЪЗИЯ



09:06 / 05.12.2021 1163

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали жамоаси юртимиз қориларининг раҳнамоси, уч мингдан зиёд мураттаб ҳофизи Қуръонларни тарбиялаган **Муҳсинхон қори почча Ҳасанхон ўғли**нинг дорулбақога риҳлат қилганларини чуқур қайғу билан маълум қилади.

Ушбу оғир жудолик муносабати ила устознинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига самимий таъзиялар изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳум устознинг барча солиҳ амалларини, динимизга, хусусан, Қуръонга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!